

Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 февралдаги 104-сон қарори ижросини амалга ошириш графиги бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот

(2024 йил 5 яеварь ҳолатига)

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
1.	Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилсин.	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш. Қарор ижросини таъминлаш бўйича буйруқ қабул қилиш.	Доимий уч кун муддатда	Давлат статистика қўмитаси	<p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 104-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 мартдаги 18-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Мазкур буйруққа асосан, қарорда белгиланган тегишли вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан барча зарур ташкилий чораларни кўриш бўйича масъулларга вазифалар юклатилди.</p>
2.	<p>Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш, якуний натижаларни эълон қилиш қуйидаги асосий вазифаларни назарда тутган ҳолда уч босқичда амалга оширилсин:</p> <p><u>биринчи босқич (2022-2024 йиллар):</u> рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари ҳамда методик асослари, рўйхатдан ўтказишга доир бошқа масалаларни тартибга</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	Белгиланган муддатларда	Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар	<p>Бажарилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари ҳамда методик асослари, рўйхатдан ўтказишга доир бошқа масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш юзасидан халқаро ташкилотлар</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш; автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш; синов асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш; рўйхатдан ўтказиш тадбирларида иштирок этувчи ходимларни ўқитиш; қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ишларни амалга ошириш; <u>иккинчи босқич (2024 йил):</u> бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини амалга ошириш; <u>учинчи босқич (2024-2026 йиллар):</u> рўйхатдан ўтказишга доир маълумотларни қайта ишлаш, дастлабки ва якуний натижаларни олиш ҳамда эълон қилиш.</p>				<p>тавсиялари ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилмоқда. Халқаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали 2021 йил 16 июль куни 47752-сон билан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига идоравий келишув учун юборилди. Шунингдек, мазкур лойиҳа 2021 йил 20 сентябрь куни жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилди. Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа юзасидан тақдим</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>этилган ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича лойиҳага берилган таклиф ва эътирозлар кўриб чиқилди, ўринли деб топилган таклифлар асосида лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳаси 2021 йил 27 декабрда 01/1-11-19-216-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>2022 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 197-сон қарори тасдиқланди.</p> <p>Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини республикада илк марта ўтказилишини инобатга олган ҳолда, унга пухта тайёргарлик</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>кўриш мақсадида, кўмитанинг 2022 йил 9 июндаги 01/1-22-12-123-сон мурожаат хатини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига юборишда амалий ёрдам бериш тўғрисида кўмитанинг 2022 йил 9 июндаги 01/1-22-12/1-124-сон хати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги 197-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида</p> <ul style="list-style-type: none"> – Давлат статистика кўмитасининг 2022 йил 22 апрелдаги 22-сон буйруғи; – Давлат статистика кўмитасининг туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлимини ташкил этиш бўйича 2022 йил 26 апрелдаги 25-сон буйруғи; – Давлат статистика кўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>14-сон қарори; – Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитишни ташкил этиш ва ўқитиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисидаги” 15-сон қарори; – Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда уй-жой ва хўжалик юритувчи субектлари ҳамда улардаги рўйхатдан ўтказиш объектларини хатловдан ўтказиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-сон қарори; – Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024-йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинчалик жалб этиладиган ходимлар учун махсус гувоҳномани</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тайёрлаш, бериш, алмаштириш, ҳисобга олиш, сақлаш, гувоҳномадан фойдаланиш, уни қайтариб олиш ҳамда йўқ қилиш тартиби бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари тасдиқланди.</p> <p>2022 йилнинг 27 май куни Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Тошкент вилоятининг Паркент туманларида 2022- йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларида туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими ва рўйхатдан ўтказиш участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш, инструкторлик участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш, стационар ва ҳисоб участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш режа-жадвали тасдиқланди.</p>
3.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш концепцияси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:</p> <p>қишлоқ хўжалиги статистикаси кўрсаткичларининг сифати, ишончилиги ва шаффофлигини янада ошириш;</p> <p>қишлоқ хўжалигининг таркибий ҳолатини баҳолаш,</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	Белгиланган муддатларда	Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар	<p>Бажарилган.</p> <p>Концепцияда назарда тутилган, рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш, рўйхатдан ўтказишни амалга оширишда масъул ташкилотларнинг вазифалари, рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>соҳани халқаро тажрибаларда фойдаланиладиган статистик маълумотлар билан таққослаш имкониятини яратиш;</p> <p>қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш даврлари оралиғида дастлабки синов тариқасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, танланма кузатувларни амалга ошириш учун статистик маълумотлар базасини яратиш.</p>				<p>ходимлар тоифалари, рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида автоматлаштириш, рўйхатга олишни ўтказиш, рўйхатга олиш якунлари ва уларни эълон қилиш каби тадбирлар юзасидан халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилган.</p>
4.	<p>Қуйидагилар:</p> <p>Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга доир чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;</p> <p>Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 3-иловага мувофиқ;</p> <p>Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	Белгиланган муддатларда		<p>Бажарилган.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 104-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, ташкил этилган ҳудудий комиссияларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш юзасидан Давлат статистика кўмитасининг хати юборилди.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар олинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 104-сон қарори 2-иловасининг 3-бандига мувофиқ, 2022 йил 1 февралгача, маъмурий-ҳудудий бирликлар рўйхати ва чегараларини аниқлаштириш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда кўчалар номлари, хонадон ва уйлар рақамлари кўрсатилган кўрсаткичларнинг мавжудлигини, шунингдек, 4-бандига асосан, 2022 йил 1 февралгача, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун иштирокчиларни картографик материаллар (схематик харита) билан таъминлаш мақсадида, кўмитанинг 2021 йил 26 ноябрдаги 01/1-11-16/2-193-сон хати Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ҳудудий комиссиялар, шаҳар ва туман ҳокимликларига (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) юборилди.</p> <p>Юқорида қайд этиб ўтилган Вазирлар Маҳкамасининг 104-сон қарори 2-иловасининг 8-бандига асосан, 2021 йилнинг декабрь ойида, аҳоли пунктлари, кўчалар номлари, уй ва хонадон рақамларининг мавжудлигига ҳамда фуқаролар йиғинларида мавжуд деҳқон хўжаликлари сонига аниқлик киритиш вазифасини таъминлаш мақсадида, кўмитанинг 2021 йил 26 ноябрдаги 01/1-11-16/2-194-сон хат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасига юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг масъул ходимлари, Польша давлатининг қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича тажрибасини</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>Ўрганиш мақсадида, 2023-йилнинг 19-23 июнь кунлари Польша давлатининг Варшава шаҳрида ташкил этилган ўқув-танишув сафарида иштирок этишди.</p> <p>Жорий йилнинг 22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан кейин, Статистика агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ахборот хати киритилди (2023 йил 22 ноябрь 01/1-11-15/1-127-сон). Мазкур ахборот хатига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йилнинг 30 ноябрь куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Статистика агентлигига № 03/49.-15-83-сон топшириқ хати келиб тушди.</p>
5.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат статистика қўмитаси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил қилиб	Ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Бутун Жаҳон интернет	Доимий	Давлат статистика қўмитаси Миллий ахборот	Бажарилмоқда. Қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш мақсадида, газетада чоп этиш учун “Ўзбекистон Республикасида

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	борсин.	ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этиш.		агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси	<p>биринчи марта 2024 йилда қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади” номли мақола тайёрланди.</p> <p>“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 9 апрелдаги 71-сонида Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари Икрамов Агзам Анварджоновичнинг “Мамлакатимизда биринчи марта 2024 йилда қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади” номли мақоласи чоп этилди.</p> <p>“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2022 йил 3 июндаги 110-сонида Давлат статистика қўмитаси раиси Бегалов Баходир Абдусаломовичнинг “Энг қадимий соҳанинг замонавий салоҳияти” номли мақоласи чоп этилди.</p> <p>“Биржа” иқтисодий газетасининг 2023 йил 28 мартдаги № 3010-сонида Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи Ғуломов Шовкат Абдурахмоновичнинг “Рўйхатдан ўтказиш самарали фаолият омили” номли мақоласи чоп этилди.</p> <p>Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирининг асосий идентификатори сифатида ишлатиладиган шиор ва рамз</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тасдиқлаш тўғрисида Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 15 февралдаги 8-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан рўйхатдан ўтказиш тадбири шиори ва логотипини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилинди. Танлов қўмитанинг расмий сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.</p> <p>2022 йилнинг 11 май куни Тошкент шаҳридаги Миллий матбуот марказида “Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик жараёнлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида, Давлат статистика қўмитаси раиси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти раҳбарияти, қўмита марказий аппарати тармоқ бошқармалари бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.</p> <p>Матбуот анжумани UzReport телеканали, Ўзбекистон 24 радиоканали ва қўмита расмий сайти орқали ёритилди.</p> <p>2022 йилнинг 7 август куни Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон 24</p>

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>телеканалли Студия 24 дастури орқали "Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш" тадбирининг мақсад ва вазифалари, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар борасида Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳ.Ўразбеков томонидан интервью берилди.</p> <p>2022 йилнинг 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасида илк марта ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг истиқболдаги режалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО)нинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими статистика бўйича мутахассиси халқаро эксперт Георгий Квиникадзе ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирок этишди.</p>
6.	Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон	Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот	Доимий	Давлат статистика қўмитаси	Бажарилмоқда. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги

Т/р	Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.А. Бегалов зиммасига юклансин.	киритиб бориш.			ахборотлар ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилади.